

**ТУРЛИ СУҒОРИШ ТАРТИБИДА ҒЎЗА НАВЛАРИДА
РИВОЖЛАНИШ ФАЗАЛАРИНИНГ ЎТИШ ЖАДАЛЛИГИГА
ТАЪСИРИ.**

Курбанова Гулбахор Абдусатторовна
Қишлоқ хужалиги фанлари номзоди
Термиз давлат педагогика институти.

Аннотация: Мазкур маколада Турли суғориш тартибида ғўза навларида ривожланиш фазаларининг ўтиш жадаллигига таъсири чакида атрофлича суз юритилган.

Калит сузлар: Пахта етиштириш, пахта ҳосилдорлиги, жанубий дашт минтақалари, сув танқислиги, ғўза навлари.

**ВЛИЯНИЕ РАЗЛИЧНЫХ РЕЖИМОВ ОРОШЕНИЯ НА СКОРОСТЬ
СМЕНИ
ФАЗ РАЗВИТИЯ СОРТОВ ХЛОПЧАТНИКА.**

Курбанова Гульбахор Абдусатторовна
кандидат сельскохозяйственных наук
Термезский государственный педагогический институт.

Аннотация: В данной статье исследуется влияние различных режимов орошения на скорость перехода фаз развития у сортов хлопчатника.

Ключевые слова: *Хлопководство, урожайность хлопчатника, южные степные районы, маловодье, сорта хлопчатника.*

EFFECTS OF DIFFERENT IRRIGATION REGIMES ON THE RATE OF TRANSITION OF DEVELOPMENTAL PHASES IN COTTON CULTIVARS.

Kurbanova Gulbakhor Abdusattorovna
Candidate of Agricultural Sciences
Termiz State Pedagogical Institute.

Abstract: In this article, the influence of different irrigation regimes on the speed of transition of development phases in cotton varieties is investigated.

Key words: Cotton cultivation, cotton yield, southern steppe regions, water scarcity, cotton varieties.

Пахта етиштиришни купайтириш, асосан пахта ҳосилдорлиги ва сифати ҳисобига амалга оширилади. Республикамизнинг энг жанубий дашт минтақалари шароитида ерларнинг турли хил даражада шўрланганлиги ва ҳар йили сув танқислиги бўлиши сув ер ва ўғитлардан оқилона фойдаланишни биринчи даражали вазифа этиб қўймоқда. Авлиёкулов А.Э. М.Ҳамидов. М (1987й), Тожиев М., Авлиёкулов М.А. Қурбонова Г., Тожиев К (2007) , Янгибоев А, Курбанова Г.А., Ботиров Ш. (2003), З.Истомин М.С(1966), Ражабов Т., Қурбонова Г ва бошқ. (2003), Қурбонова.Г.А.(2011), Тиллаев Р.Ш. (1996), Ботиров Ш.Ч. (2004), Янгибоев А.А., Тожиев М.Т., В.И. Истомин (2002й), Pinhasov vuri (1999) . Hutter Par Willie(1959).

Истиқболли ғўза навларига мос келадиган, ғўза агротехникасини ишлаб чиқиш буйича кўплаб тадқиқотлар ўтказилган.

Эртачи, серҳосил ва юқори сифатли тола ҳосили берадиган навлардан юқори ҳосил олишга эришиш ғўза навларини ҳар хил тупроқ –иқлим шароитларига мос ҳолда жойлаштириш ва янги истиқболли ғўза навларига мос агротехнологиясини тўғри ишлаб чиқиш ҳамда шу асосида фермер хўжаликларига тавсиялар бериш пахтачиликнинг энг долзарб муаммоси бўлиб келмоқда.

Сўнгги йилларда ПСУЕАИТИ Сурхондарё тажриба далаларида ғўзанинг Наманган-77, Бухоро-6, Оқ-қўрғон-2, Оқдарё-6, Андижон-33, Термиз-31, Термиз-34, Термиз-42, Сурхон-9, Сурхон-10 ва Сурхон-14 каби навлар агротехнологияси ишлаб чиқилди. Ҳозирги кундан Бухоро-102, Термиз-202, Султон ҳамда Беш қаҳромон навлар ўрганилмоқда. Илмий изланишлар дастур асосида 1999-2013 йиллари ЎзПТИ нинг Сурхондарё филиали ва «Дўстлик» ва «Сурхон» тажриба хўжаликларида сизоб сувлари сатҳи 1,5-2,0 м ҳамда 3,0 м дан чуқурликда бўлган тақир, тақирсимон-ўтлоқи, оч тусли бўз тупроқларда ўтказилди.

Илмий иш дастуридаги масалаларни ҳал қилиш учун ягона тизимда дала тажрибалари ўтказилиб, 1- тажриба суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) нисбатан икки варианты 65-65-60 %, 70-70-60 %, минерал ўғитларнинг (NPK) икки меъёри- 200:150:100 ва 250:175:125 кг/га (с.х), 80-100 минг туп/га кўчат қалинлиги ўрганилиб районлашган Оқ-қўрғон-2, истиқбол Армуғон, Сурхондарё-2 навлари (1999-2003) 2- тажриба янги районлаштирилган Бухоро-102 (2006-2008 йй). ЧДНС га нисбатан 65-65-60 ва 70-70-60 % ҳамда минерал ўғитларнинг (NPK) икки меъёри- 150:105:75 ва 200:140:100 кг/га (с.х), 80-100 минг туп/га кўчат қалинлиги, 3-4 тажрибаларда ЎзПТИ «Дўстлик» ва «Сурхон» тажриба хўжаликларида олиб борилиб истиқболли Термиз 202 ғўза (2009-2011йй.) навларининг суғориш олди тупроқ намлиги чекланган дала нам сиғими (ЧДНС) нисбатан икки варианты 60-70-60 %, 70-75-60 %, минерал ўғитларнинг (NPK) икки меъёри- 200:140:100 ва 250:175:125 кг/га (с.х), 120-130 минг туп/га кўчат қалинликлари ўрганилди.

Ғўза навларининг суғориш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш учун: гуллашгача ва пишиш даврларида тупроқ қатламининг 0-70 см.ли, гуллаш-хосил тўплашда эса 0-100 см.ли қатламлари инобатга олинди.

Ғўза навларининг суғориш муддатлари ва меъёрларини аниқлаш учун: гуллашгача ва пишиш даврларида тупроқ қатламининг 0-70 см.ли, гуллаш-хосил тўплашда эса 0-100 см.ли қатламлари инобатга олинди.

Тажрибада экилган ғўза навлари ниҳолларининг пайдо бўлиши жадаллиги экиш муддатлари, тезпишарлиги орасидаги фарқ мавжудлиги ўтказилган дала тажрибаларидан олинган маълумотларда ўз исботини топди.

Кузатувларда Оқ-қўрғон-2, Армуғон навлари ниҳолларининг ўниб чиқиши нисбатан янги Сурхондарё-2 навига нисбатан 1-3 кунга кечикканлиги, ўрта толали ғўза навларида ниҳолларнинг бир текис ўниб чиқиши 7-8 кунлари (Оқ-қўрғон, Армуғон), 5-6 кун (Сурхондарё-2) да пайдо бўла бошлади. 9-12 кунлари ниҳоллар-100 % ўниб чиқиб, кейинги 2006-2008 йиллари тажрибада синалган Бухоро-102 6-7 кун ва 2009-2011 йиллар ўтказилган тажрибада ингичка толали ғўзанинг Термиз-202 нави 7-8 кунлари тўлиқ 100 % униб чиқди.

Шоналаш даври - Суғориш олди тупроқ намлиги ЧДНС га нисбатан 65-65-60 %, 70-70-60 % бўлган вариантларда йиллар бўйича (1999-2003 й) тахчил намликда экишдан шоналашгача 33-37 кунни, юқорироқ намликда эса 37-39 кунни (2006-2008 й) тажрибада 37-39 кунни , (2009-2011 й) тажрибада 35-38 кунни ташкил этди.

Гуллаш даврининг муддатлари навларнинг тезпишарлиги боғлиқ ҳолда фарқланди, Армуғон ҳамда Сурхондарё 2 ғўза навларида тажриба ўтказилган йиллари Оқ-қўрғон-2 навига нисбатан гуллаш 3-5 кун барвақт бошланиб 58-62 кунни ташкил этди. Оқ-қўрғон -2 навида эса 65-68 кунгача чўзилган бўлса, 2006-2008 йиллар Бухоро-102 навида эса 60-62 кун, 2009-2011 йиллари тажрибада экилган Термиз-202 навида эса 54-60 кунни ташкил этди.

Пишиш даврида яъни (кўсаклардаги пахта очилиши) муддати тупроқ намлиги 70-70-60 % ва 70-75-60 % бўлган вариантларда кечроқ бошланди, бу айниқса, Оқ-қўрғон 2, Сурхондарё 2 навида 112-118 кунни ҳамда Бухоро-102 навида 118-119 кунни, Термиз-202 ғўза навида эса 105-107 кунни ташкил этди.

- Сурхон-Шеробод воҳаси Термиз гуруҳ туманлари яъни учинчи мелиоратив минтақа VII, VIII, IX- гидромодул ҳудудлар гидроморф тупроқларида ер ости сувлари сатҳи (0,5-2,0 м .гача) бўлган ҳамда Иккинчи мелиоратив минтақа, IV, V, VI – гидромодул ҳудудлар- яримгидроморф тупроқларда ер ости сувлари сатҳи 2-3 м бўлган гуруҳ туманларида апрель ойининг биринчи яримида экилган ўрта ва ингичка толали ғўза навларининг

чигити бир текис ўниб чиқиши ҳисобига тўлиқ кўчатлари олинди, ғўзаларнинг ривожланиш давлари: шоналаши, гуллаши, ҳосил тўплаши, кўсакларнинг очилиши тезлашди.

-Ўрганилган ўрта толали ғўза навларидан юқори ҳосил олишни таъминловчи тупроқнинг суғориш олди мақбул ягона намлик тартиби ЧДНС га нисбатан қуйидагича бўлди: районлаштирилган Оқ-қўрғон 2, Армуғон навлари учун 70-70-60 % ва Сурхондарё 2 ғўза нави учун 65-65-60%. Бунда суғориш муддатларини аниқлаш учун тупроқ ҳисобий катламлари гуллашгача ва пишиш (кўсакларнинг очилиши) даврида 0-70 см, гуллаш, ҳосил тўплашда 0-100 см бўлди.

-Суғориш олди тупроқнинг мақбул намлик тартибида суғорилганда, дала, ишлаб чиқариш тажрибаларида навлардан юқори ҳосил олинди: Оқ-қўрғон-2, 38,6- 42,6 ц/га; Армуғон 39,7-42,6 ц/га ва Сурхондарё 35,1-46,9 ц/га.

-Ўтказилган дала тажрибалари 2009-2011 йй (Термиз-202) асосида мақбул вариантларда 70-75-60 % намликда, мавсумий суғориш меъёрлари ўртача 5415 м³/га, кўчат қалинлиги 120,4-130,7 минг туп га ни, 1-5 сентябрда бош поя баландлиги 87,8-88,7 см да ўртача ҳосилдорлик 40,2-42,9 ц/га (Термиз-202). Сув сарфи Термиз-202 навида 129,0 м³/ц ни ташкил этган ҳолда Бухоро 102 навида эса тупроқ намлиги мақбул вариантда 70-70-60 % да мавсумий суғориш меъёрлари 5307 м³/га меъёрида, терим олди кўчат қалинлиги 82,0-84,2 минг тупга ни 1-5 сентябрда бош поя баландлиги 90,0-98,2 см ни ўртача ҳосилдорлик 39,2 - 41,5 ц/га, 1 центнер ҳосил олишга кетган сув сарфи 119,5-131,3 м³/га ни ташкил этди.

Октябрь ойи иккинчи ўн кунлигида барча пахта ҳосилини тўлиқ териб олинди.

Хулосалар

-Жанубий минтақа Сурхон-шеробод воҳаси- Республикамизнинг сахро-чўл зонасида жойлашганлиги ҳисобига сув тақчиллиги мувозанати-

баланси, ёғингарчилик миқдоридан 18-20 баробар кўплиги ҳисобига воҳада деҳқончилик тизими фақатгина суъний суғоришлар ҳисобига амалга ошириш мумкин.

-Тажриба далалари тупроғи қадимдан ва янгидан ўзлаштирилган тақир, тақирсимон, оч тусли бўз тупроқлар бўлиб, механик таркиби енгил, ўрта, оғир- соз лойсимон, қумлоқ, бир метрлик қатламнинг тахланиши ҳар хил, ЧДНС -20,8-24,1 % (тақир, тақирсимон); 21,2-25,1 % (оч тусли бўз); ҳажм вазни 1,20-1,36 г/см³; ғоваклиги-48,5-50,4 %, сув ўтказувчанлиги олти соатда 729-801 м/га (тақир, тақирсимон); 811-1114 м³/га (оч тусли бўз) ни ташкил этди (амал-ўсув даври бошида); амал ўсув даври охирида тупроқ ҳажм вазни, сув ўтказувчанлиги тегишлича вариантлар бўйича 0.02-0.04 г/см³ ошганлиги 176-229 м/га камайганлиги кузатилди.

-ўрганилган ўрта- ингичка толали ғўза навларидан юқори ҳосил олишни таъминловчи тупроқларнинг суғориш олди мақбул ягона намлик тартиби ЧДНС га нисбатан қўйидагича бўлди:

- эртапишар ғўзани, Сурхондарё-2 навлари учун 65-65-60 %; Беш қаҳрамон

-ўртапишар ғўзани Оқ-қўрғон-2, Армуғон, Бухоро-102, Термиз-202 навлари учун эса 65-65-60 %, 70-70-60 %, 70-75-60%;

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР.

1. **Авлиёқулов А.Э. Тожиев М., Қурбонова Г.,Тожиев К.** “ Ғўза навларининг суғориш муддатлари, миқдорлари, мавсумий сув сарфининг пахта ҳосилига таъсири.”Тупроқ унумдорлигини оширишнинг илмий ва амалий асослари” Тошкент 2007 йил. Б. 244-248.
2. **Авлиёқулов А.Э., Курбанова Г.А., Ботиров Ш.** “Водропотребление средне- тонко- волокнистого хлопчатника в зоне пустынь, Узбекистана» 2003 САНИИРИ.с.122-123.

- 3.Истомин М.С.**”Сурхондарё вилоятида ингичка толали ғўзани парваришlash “ Ўзбекистон нашриёти, Тошкент 1966 й 26-28 бетлар.
- 3. Ражабов Т., Курбонова Г** ва бошқ. “Ѓўзанинг ўрта толали Армуғон нави ва уни парваришlash агротадбирлари” Ўзбекистон Пахтачилик илий - тадқиқот институти. Тошкент, 2003 й. 1-4 бет.
- 4. Курбонова.Г.А.**, “Типик-оч тусли бўз, тақир-тақирсимон тупроқлари шароитида ғўза навларини томчилатиб-эгатлаб суғориш тартиби”. Тошкент 2011 йил, “Noshirlik yog’dusi” нашриёти.
- 5. Тиллаев Р.Ш.** Алмашлаб экиш ва деҳқончиликни такомиллаштириш. Пахта мажмуасидаги зироатлар етиштириш технологиясининг аҳволи ва ривожлантириш истиқболлари // Халқаро илмий-амалий конференция маърузалари асосидаги маволалари асосидаги мақолалар тўплами, Тошкент 1996, 4-8 б.
- 6. Ҳамидов. М.** Зироатларнинг оқилона суғориш тартиби асосида сувдан фойдаланишни такомиллаштириш. VI ёш олимлар ва мутахассисларнинг илмий-техник. Конф. Маъруза матн.”Радуга” БИИБ. Коломна 1987. 2-б.
- 7.Ботиров Ш.Ч.** Ўзбекистоннинг жанубий минтақаси тақир тупроқларида “Бухоро-6” ғўза нави, сув-озиқа меъёрлари исътимоли ва суғориш тартиби. ЎзҚСХВ, ЎзИИЧМ, ЎзПИТИ, ИКАРДА, Тошкент,2004.129-131- бетлар.
- 8. Янгибоев А.А., Тожиев М.Т., В.И. Истомин** ғўзанинг янги истиқболли С-2 нави унинг парвариш усуллари 181-186 бет, Ѓўза селекцияси, уруғчилиги ва бедачилиги меъёрлар жойлиги. 2002 йил, Тошкент, бети 181-186.
- 9 .Pinhasov vuri.** Leraim Geqera Cotton qemimar june 1999.Tashkent., P.1-13.
- 10. Hutter Par Willie.**Le soe la pratique des irriqatione. Revue aqrocole de Li Afrique du Hord. 1959, № 2.